

Гайб эранларининг толиби

Хамиша саёхатга машгул эди. Бир куни вакти хуш бўлиб, ўрнидан туриб касамёд килдики, гайб эранларидан кирк кишининг кўлини тутмагунимча, оёқдан ўтирмагаймен. Уч кун бу муддао ва талаб билан кезиб юради. Учтинчи куни биёбоннинг ўртасида катта бир масжид кўринди. Масжидга киргач, гайб-дан кирк киши пайдо бўлди. Бири азон айтиб, комат туширди, яна бири илгари бориб, имом-ликка ўтди ва бошқалари унга иктидо килди. Шайх Зиёуддин ҳам уларга кўшилиб намоз килди. Намоздан фориғ бўлгандан сўнг кирк киши у билан кўл бериб сўрашиб, дедилар:

- Мархабо, эй гайб эранлари толиби!